



Эндиликда 11 йиллик таълим тизими жорий этилиши туфайли умумтаълим фанлари коллежларда ўқитилмайди. Бу ўз-ўзидан коллежларда ёшларнинг мустақил ҳунар ўрганиши учун катта қулайликлар яратди.

ТАЪЛИМ 3

Хорижий корхона кадрлар тайёрлашга кўмаклашмоқда

Қарши туманидаги тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган хитойлик инвесторлар маблағлари эвазига ташкил этилган «LT Textile international» хорижий корхонаси ҳамда Қоратепа хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи ўртасида кадрлар тайёрлаш ва ўқув, ишлаб чиқариш, шунингдек, дипломолди амалиётларини ўтатиш юзасидан ўзаро шериклик шартномаси имзоланди.

ши завод раҳбарлари томонидан айтилди. 33 нафар бўлажак мутахассиснинг 30 нафари қишлоқ қизларидир.

Мазкур корхонада иш билан банд этилган Зулфизар Яхшибоева, Сурайё Тошбўриева, Аҳмад Саломов ва Шаҳзод Тўхтаев каби ёшлар мураккаб замонавий техникалар билан жиҳозланган йирик мажмуада астойдил иш юритишмоқда. Ёш мутахассисларнинг тез иш ўрганишлари мураккаб техникаларни бошқаришларида коллеж ишлаб чиқариш таълими усталари Нодира Эгамшукурова, Марғуба Авазова ва тадбиркорлик, ишга жойлаштиришнинг техник асослари фани ўқитувчиси Сусана Холиқованинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бугунги кунда таълим муассасасида 10 йўналиш бўйича кадрлар тайёрланапти. Тикув ва тикув-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш техник-технология мутахассислигига қишлоқ қизларининг қизиқиши жуда катта. Буни айтиш пайтда мазкур мутахассисликни эгаллаш учун 133 нафар қиз ўқитганида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда тикув машиналари ва ўқув лабораториялари мавжуд бўлиб, бўлажак мутахассисларга тажрибали касбий таълим ўқитувчилари сабоқ беришмоқда.

– Бизда нон, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник-технология мутахассислигини эгаллаётган ўқувчилар учун барча қулайликлар яратилган, – дейди коллеж директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари Ҳасан Турдиев. – Мисол учун, ўқув даргоҳимиз нон пиширадиган печ, турли ширинлик ҳамда торт тайёрлайдиган ускуналар билан таъминланган. Ҳозирги кунда 17 нафар ўқувчи мазкур ускуна ва жиҳозлардан умумий фойдаланган ҳолда амалий машғулотларда иштирок этишмоқда. Ишлаб чиқариш таълими

усталари билан келишган ҳолда бу жиҳозлар ердимида келгусида патира ва нон тайёрлаб, савдога чиқариши мўлжаллашмоқда. Ишлаб топган маблағимиз ҳисобидан ўқувчиларни юртимиз бўйлаб саёҳатга олиб чиқамиз.

Енгил саноат корхоналари жиҳозларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш механиги мутахассислигига ҳам талаб ортиб борапти. «LT Textile international» хорижий корхонаси ҳам мазкур йўналишдаги 30 нафар ўқувчини ҳар йили ўз цехларида амалиёт ўташини ташкил этиб, келгусида ишга жалб этишни мўлжалламоқда. Шу боис мазкур мутахассисликда 26 нафар II босқич, 28 нафар III босқич ўқувчимиз ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини тўқимачилик мажмуасида ўтказиши ўзаро шериклик шартномасида белгиланди. III босқичда таҳсил олаётган 28 нафар ўқувчидан 18 нафарини қиз болалар ташкил этади. Қишлоқ қизларининг, хусусан, туманимиздаги «Сарой» қишлоғида яшовчи қизларнинг ҳунар ўрганишга қизиқиши ортиб бораётгани кишини қувонтиради.

Эндиликда 11 йиллик таълим тизими жорий этилиши туфайли умумтаълим фанлари коллежларда ўқитилмайди. Бу ўз-ўзидан коллежларда ёшларнинг мустақил ҳунар ўрганиши учун катта қулайликлар яратди. Бу жараёнга таълим муассасасида катта ҳозирлик қўрилмоқда. Электр станциялари ва электр тармоқлари ускуналарига хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва монтаж қилиш бўйича электромонтёр йўналишида тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган ёш ва ёши катта фуқаролар рўйхати шакллантирилди. Бундан ташқари, телеаппаратураларни таъмирловчи уста ва енгил саноат корхоналари жиҳозларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш механиги йўна-

лиши бўйича ҳам тўлов-контракт асосида ўқишга қизиқувчилар жуда кўп. Бу эса келгусида қишлоқ жойида фаолият кўрсатаётган мазкур коллежда умумтаълим фанларидан ажралган ҳолда касб-ҳунар ўргатиш учун имкониятлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Шуни айтиш керакки, кадрлар тайёрлашда фақат уларнинг кўникмаси ва малакаси ҳисобга олинмаслиги зарур. Балки ҳар бир ўғил-қиз яхши мутахассис бўлиши билан бирга маънавиятли, маданиятли, кенг дунёқарашли ҳамда юртга фидойи бўлиб ўлғайиши энг асосий вазифа. Бунда касб-ҳунар коллежларида маънавий-маърифий, спорт ва саломатлик соҳасида кенг қўламада иш олиб бориш керак. Бу хусусда коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Хадича Ражабова шундай дейди:

– Агар коллежда тайёрланган кадр маънавий жиҳатдан юксак салоҳиятга эга бўлмаса, уни мукаммал даражадаги кадр деб бўлмайди, – дейди у. – Шунинг учун ҳам биз ўқувчиларни кўпроқ китоб ўқишга ундаймиз. Бунда айниқса, «Китоб дўконига кир ва дўстнинг билан қайтиб кич» мавзудаги тадбирларни кўпроқ ўтказаямиқ. Мақсадимиз мукаммал ва ҳар жиҳатдан етук кадрлар тайёрлаш экан, уларнинг маънавиятини шакллантириш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолаверади. Бинобарин, ҳар бир йигит-қиз шу юрт, шу муқаддас заминга муносиб фарзандлар бўлиб ўлғайишдан нафақат ота-оналар, балки халқимиз ва давлатимиз ҳам манфаатдордир. Ана шу манфаатдорлик туйғуси қалбларимизни мудом ёритиб турсин!

Сайид МЕЙЛИЕВ, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

«Хоразм сув қурилиш инвест» ДУК

лойиҳачи ташкилотни аниқлаш юзасидан танлов савдосини ўтказиш учун xarid.uz порталида эълон берилгани ҳамда танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 18 июндаги 02/12-2261-сонли хатига асосан 2018 йил 25 сентябрь куни соат 10.00 дан бошлаб Урганч шаҳри, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 2-«а» уйда жойлашган «Хоразм сув қурилиш инвест» Давлат унитар корхонаси биносида ўтказилишини маълум қилади.

Лойиҳа номи	Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш қиймати млн. сўм		Лойиҳа-смета ҳужжатларини топшириш мuddати
	ҚҚС билан	ҚҚСсиз	
Гурлан туманидаги «Нукус-яб» канални реконструкция қилиш	106,324	88,603	45 кун
Урганч туманидаги «Дўстлик-яб» ПК0+00 дан ПК 14+00 гача канални реконструкция қилиш	105,236	87,697	45 кун
Хонқа туманидаги «Дарёлик-арна Ю/Б» канални реконструкция қилиш	515,005	429,171	45 кун
Хонқа туманидаги «Р-7А» канални реконструкция қилиш	348,390	290,325	45 кун
Хонқа туманидаги «Л-7-7» канални реконструкция қилиш	55,224	46,020	45 кун
Хива туманидаги «Хоросан-яб» канални реконструкция қилиш	56,552	47,127	45 кун
Шовот туманидаги «Удачи-яб» ва «Удачи-1» каналларини реконструкция қилиш	203,542	169,618	45 кун
Шовот туманидаги «Оталик-яб» канални реконструкция қилиш	339,33	282,775	45 кун
Янгибозор туманидаги «Боз-ача» канални реконструкция қилиш	72,188	60,157	45 кун

Мурожаат учун: «Хоразм сув қурилиш инвест» ДУК бўлим бошлиғи М. Аллаберганов. Тел.: (0-362) 223-35-34.

«Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ

объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Агроким-мехимоя» ҲАЖга қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:

1. Нишон тумани, «Бахтияж» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 288,0 квадрат метр бўлган «Минерал ўғитлар омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 78 902 033 сўм.
2. Нишон тумани, «Юксалиш» МФЙ, «Юксалиш» массиви ҳудудида жойлашган, умумий майдони 9 800,0 квадрат метр бўлган «Дала шийпони ва навес» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 123 279 648 сўм.
3. Нишон тумани, «Юксалиш» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 2 916,0 квадрат метр бўлган «Минерал ўғитлар омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 278 627 861 сўм.
4. Нишон тумани, Янги Нишон шаҳри, «Пахтакор» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 304,43 квадрат метр бўлган «Маъмурий» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 170 620 367 сўм.
5. Нишон тумани, «Қирққўлоқ» МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1 352,0 квадрат метр бўлган «Минерал ўғитлар омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 61 863 450 сўм.
6. Касби тумани, «Чўлқувар» МФЙ, «Чўлқувар» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 2 176,0 квадрат метр бўлган «Минерал ўғитлар омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 182 287 840 сўм.
7. Касби тумани, «Талишбе» МФЙ, «Талишбе» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 4 500,0 квадрат метр бўлган «Минерал ўғит омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 132 590 193 сўм.
8. Касби тумани, «Майманок» МФЙ, «Майманок» қишлоғи ҳудудида жойлаш-

- ган, умумий майдони 3 379,0 квадрат метр бўлган «Минерал ўғит омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 80 588 498 сўм.
9. Муборак тумани, «Гулистон» МФЙ, «Гулистон» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 56 квадрат метр бўлган «2-минерал ўғит омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 215 964 571 сўм.
10. Қарши тумани, «Чўлибўстон» МФЙ, «Чўлибўстон» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 917,72 квадрат метр бўлган «Ипақ йўли» номи «Агроким» хизмат кўрсатиш шохобчасининг эски биноси. **Бошланғич баҳоси** – 191 174 650 сўм.
11. Қарши тумани, «Қовчин» МФЙ, «Қовчин» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 412,25 квадрат метр бўлган «Я. Омонов номи «Агроким» хизмат кўрсатиш шохобчаси»нинг эски биноси. **Бошланғич баҳоси** – 72 509 930 сўм.
12. Косон тумани, «Гувалак» МФЙ, «Бўстон» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 912,82 квадрат метр бўлган «Минерал ўғит омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 88 352 249 сўм.
13. Миришкор тумани, «Помуқ» МФЙ, «Помуқ» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 5 433,7 квадрат метр бўлган «Минерал ўғит омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 146 341 067 сўм.
14. Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, умумий майдони 25,20 квадрат метр бўлган «Минерал ўғит омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 12 902 517 сўм.

офиси биносида ўтказилади. Очик аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, 4-митти туман, мўлжал: «Парвина» кафесининг ёнида) қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2018 йил 24 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Савдо голибига сотувчи билан аукцион ўтказилган санадан бошлаб 10 кун мuddатда олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловларни сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан амалга ошириш мажбурияти юқлатилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар кўрсатилган объектни сотиб олиш учун буюртманомалар, «Закалат пули тўловлари» қилиниши асосан савдога қўйилган объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорда закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона (ташкilot) устави ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт. **Закалат пулини тўлаш учун рекузитлар:** «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5049 4256 0001 СТИР 302 126 648. **Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман. **Мўлжал:** «Парвина» кафеси. **Телефон:** (998 95) 505-08-99. **E-mail:** ikoskarshi@yandex.com **Веб-сайт:** www.ikos.uz *Хизматлар лицензияланган. RR-0111 рақамли лицензия.*

ТУЗАТИШ

«O'ZBEKISTON BUNYODKORI» газетасининг 2018 йил 18 сентябрдаги 73 (218)-сон 3-бетида chop этилган Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Қўриқлаш бошқармаси томонидан пуаратчи ташкilotни танлаш юзасидан тендер ўтказилиши ҳақидаги эълонда қуйидаги сатрлар: «Объектнинг бошланғич қиймати – 2 656 312 588 сўм ҚҚС билан; 2 213 593 823 сўм ҚҚСсиз. Қурилиш мuddати – 7 ой», деб тўзатиб ўқилсин.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Асака» банки Юнусобод филиали

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 8-уй манзилида жойлашган «Асака» банки Юнусобод филиали маъмурий биносида қўшимча бино ва иншоотлар ҳамда инкассация автомобиллари учун бокс ва назорат пункти (КПП) объекти қуриш бўйича танлов эълон қилади!



- Қурилиш мuddати** – 6 ой.
- Қурилишнинг бошланғич баҳоси** – 1 117 096 998 сўм (ҚҚС билан); 930 914 165 сўм (ҚҚСсиз).
- Қурилишни молиялаштириш манбаси** – буюртмачи маблағлари ҳисобидан.
- Буюртмачи** – «Асака» банки Юнусобод филиали.
- Буюртмачи манзили:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 8-уй (мўлжал: Юнусобод дехқон бозори рўпараси).
- Танловда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг

- ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
- Ҳужжатларни қабул қилиш мuddати:** 2018 йил 5 октябр гача.
- Мурожаат учун телефон/факс:** (71) 150-93-91, 150-93-92.
- «Асака» банк Юнусобод филиали маъмурияти.**

«Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ

объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Агроки-мехимоя» ҲАЖга қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:

1. Фузур тумани, «Қуштепа» МФЙ, «Қуштепа» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 3 997,0 квадрат метр бўлган «Минерал ўғитлар омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 137 172 547 сўм.
2. Қашаши тумани, «Қоратепа» МФЙ, «Қоратепа» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 9 521,43 квадрат метр бўлган «Минерал ўғитлар омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 121 369 778 сўм.
3. Қашаши тумани, «Тўқбой» МФЙ, «Тўқбой» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 4 010,45 квадрат метр бўлган «Минерал ўғитлар омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 87 026 454 сўм.
4. Қашаши тумани, «Пахтаобод» МФЙ, «Гулистон» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 5 097,94 квадрат метр бўлган «Минерал ўғитлар омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 283 999 948 сўм.
5. Қашаши тумани, «Тўқбой» МФЙ, «Тўқбой» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 2 166,0 квадрат метр бўлган «Биолаборатория» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 56 393 662 сўм.

6. Қашаши тумани, «Қорасув» МФЙ, «Қорасув» кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий майдони 7493,66 квадрат метр бўлган «Омборхона, механик устахона ва қоровулхона» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 702 182 141 сўм.
7. Қашаши тумани, «Жонбўзой» МФЙ, «Гулистон» қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 3 200,0 квадрат метр бўлган «Минерал ўғитлар омбори» биноси. **Бошланғич баҳоси** – 89 925 937 сўм.
8. Қашаши шаҳри, Улуғбек МФЙ, «Ифтихор» кўчасида жойлашган, умумий майдони 1 598,52 квадрат метр бўлган «Маъмурий» бино. **Бошланғич баҳоси** – 89 559 865 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 24 октябрь куни соат 10.00 дан бошлаб «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносида ўтказилади. Очик аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, 4-митти туман, мўлжал: «Парвина» кафесининг ёнида) қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2018 йил 23 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Савдо голибига сотувчи билан аукцион ўтказилган санадан бошлаб 10 кун мuddатда олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловларни сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан амалга ошириш мажбурияти юқлатилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар кўрсатилган объектни сотиб олиш учун буюртманомалар, «Закалат пули тўловлари» қилиниши асосан савдога қўйилган объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорда закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона (ташкilot) устави ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт. **Закалат пулини тўлаш учун рекузитлар:** «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5049 4256 0001 СТИР 302 126 648. **Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман. **Мўлжал:** «Парвина» кафеси. **Телефон:** (998 95) 505-08-99. **E-mail:** ikoskarshi@yandex.com **Веб-сайт:** www.ikos.uz *Хизматлар лицензияланган. RR-0111 рақамли лицензия.*

«Auto Trans Gold Aukcion» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

- 2018 йил 22 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Навоий минтақавий филиалининг 2018 йил 11 сентябрдаги 01-4606/04-сонли буюртманомасига асосан АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Навоий минтақавий филиалида сакланаётган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 059 VAA бўлган техник соҳ ҳолдаги, ранги оқ «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 50 441 000 сўм. Мазкур автотранспорт воситаси 2018 йил 19 октябрь куни сотилмай

- қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (12.00 дан 14.00 гача тушлик).
- Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати:** савдодан бир кун олдин соат 17.00 да тўхтатилади.
- Савдода мулкни ютган шахс 20 кун мuddат ичида аукцион ташкilotчиси билан олди-сотди шартномасини имзолashi лозим.
- Талабгорлар кўрсатилаётган ахборот-маслаҳат хизматлари учун**

қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорда ҳақ ва юқоридаги мулкнинг бошланғич баҳоси 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9008 6667 6001 АТБ «Invest Finance bank» Навоий вилояти филиалидаги МФО 01148 СТИР 305 453 743. **Савдо ўтказиладиган манзил:** Навоий шаҳри, «Ғалаба» шохқўчаси, 101-уй, 1-хона. **Тел.:** (0-436) 223-23-43. *05791 рақамли сувоҳнома.*

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Касимбекова Муҳаббат Мавляновна номига 2014 йил 19 мартда берилган 2871-сонли адвокатлик гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман БТИ томонидан Зайнитдинов Муҳаммадсафо Хуснитдинович номига берилган Шайхонтоҳур тумани, Ал-Хоразмий кўчаси, 10-уйга тегишли уй плани ва кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

4 КЎЗГҮ

Қарши шаҳар кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатда компьютерлаштирилган синфхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Музейнинг «иккинчи ҳаёт»и

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудда Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ қайта ташкил этилган Ички ишлар органлари тарихи музейи фойдаланишга топширилди.



жараёнида қўлланиб келинган техника воситалари ва бошқа экспонатлар жамланган.

Шу ўринда музейга ташриф буюрувчилар унинг экспозицияси билан яқиндан танишиш орқали юртимизда тинчлик ва хавфсизлик масаласига қадимдан катта эътибор қаратилгани, ички ишлар органлари ўзбек давлатчилиги тарихий тараққиётига ҳамоҳанг тарзда ривожланган чуқур илдрларга эга эканлигига амин бўлишини айтиб ўтиш лозим.

Жумладан, тарихий манбаларга кўра, қадимда юртимиз ҳудудига соқчи, қорувул, чокар, шихна, ясовул, посдонбоши, сарбоз ва мишаблар ҳукмдор қароргоҳи, қалъаларни қўриқлаш, қишлоқ ва шаҳарларда жамоат тартибини сақлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш каби вазифаларни бажарганини, айнан шу каби тузилмалар негизда бугунги ички ишлар органлари шаклланиши тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Маълум бўлишича, Ички ишлар органлари музейи зишклари барча учун очик. Яъни, бу ерга ёш авлод вакиллари, хусусан мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари ҳам келишлари мумкин. Бу

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси маълумотлари асосида Шухрат ХУЖАЕВ тайёрлади.


Таъкидлаш жоиз, бу турдаги муассаса аввал ҳам бўлган. Аммо 1974 йилда ташкил этилган музей жойлашган бино талабга жавоб бермайдиган аҳволда келиб қолган эди...

реструкция қилинган бинода замон талабларига жавоб берадиган музей ташкил этилди. Музей «Ўзбекистон ҳудудда хавфсизлик ва ички тартибни сақловчи тузилмаларнинг шаклланиши», «Вазирлик соҳавий хизматлари фаолияти», «Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар» ва «Ички ишлар органлари тизимида кадрлар тайёрлаш, ходимларнинг касбий ва жанговар тайёргарлиги ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазаси» каби тўртта йўналишни қамраб олган бўлиб, унда соҳа тарихи, тизимда фидойилик билан хизмат қилган ходимларга оид ҳужжатлар, хизмат



Кўзи ожиз болалар ҳам интернетдан фойдалана олади

Қарши шаҳар кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернатда Япония ҳукуматининг «Инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кичик қўламдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам дастури» доирасида 30 минг 710 АҚШ доллари эвазига компьютерлаштирилган синфхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси биринчи котиби Йоко Ямото хоним иштирок этди.

Элчихона вакилларининг таъкидлашича, ушбу дастур бўйича Япония ҳукумати касалхоналар, бошланғич ва ўрта таълим мактаблари ҳамда бошқа нодавлат ва нотижорат ташкилотларга уларнинг ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда қўмаклашиш мақсадида беғараз молиявий ёрдам кўрсатади. Дастур доирасида мамлакатимизда 1995 йилдан буён қарийб 27 миллион АҚШ доллари миқдорда 371 лойиҳа амалга оширилган.

– Аини пайтда мактабда 198 ўқувчи таълим олмақда, – дейди Қарши шаҳар кўзи ожиз ва

заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернати директори Зойир Раҳимов ўза мухбири Улмас Баротов билан суҳбатда. – Ушбу грант лойиҳасини жорий йил март ойида ютиб олди ва имзолади. Лойиҳа доирасида мактабимизда компьютер синфи жиҳозлаб берилди. 15 донга компьютер тўлиқ мебеллари билан махсус брайл ёзувида чоп этилган принтер, интернет мосламаси ва бошқа жиҳозлар ўрнатилди. Уларнинг қўлайлиги шундаки, мосламаларда кўзи мутлақо кўрмайдиган болалар ҳам бемалол матн ёзиши, уни чоп этиши, интернет тармоғидан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари компьютерларга овоз чиқарувчи махсус дастур ўрнатилган.

Маълумки, кейинги икки йил мобайнида мамлакатимизда мактабга таълим тизимини ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига қаратилган бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Болалар қувончи чексиз

Улар асосида янги, барча шароитларга эга МТМларни қуриш, уларни реконструкция қилиш, соҳадаги иш тизимини янада такомиллаштириш, болажонларнинг пухта бошланғич билим ва тарбия олишлари учун қўлайлик яратиш, малакали педагог кадрлар, ўқув-услубий воситалар билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги байрами арафасида Қарши туманидаги Чароғил қишлоғида «Кўёшча» болалар боғчаси узоқ танаффусдан сўнг қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Бундай тўхфадан қалблари қувончга тўлган беғубор фарзандларимиз мамнун бўлишаётир.

– Муассасамиз давлат ҳамда ҳомиёлар маблағлари ҳисобидан капитал таъмирланиб, қайта реконструкция қилинди, – дейди биз билан мулоқотда боғча мудираси Наргиза Қурбонова. – Икки қаватдан иборат ботом 140 ўринга мўлжалланган. Бугунгача иккита гуруҳ ташкил этилди. Йил охиригача гуруҳлар сонини тўрттага етказган ҳолда 100 нафар болани қамраб олишни режалаштиривимиз. Рус ва инглиз тиллари, бадиий гимнастика, шунингдек, миллий кураш тўғрақларини йўлга қўйишни мўлжаллаб турибмиз.

Таъкидлаш жоиз, 2018 йилги давлат дастурига мувофиқ Қарши туманидаги МТМларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари учун 358 миллион сўм маблағ ажратилган.

Аини пайтда боғчада ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Для улучшения туристской инфраструктуры

Государственный комитет Республики Узбекистан по развитию туризма в ближайшее время планирует запустить мобильное приложение UzFinder, которое поможет туристам определить местонахождение ближайшего санитарно-гигиенического узла.

«Его обновление с учетом создания новых объектов туристской инфраструктуры будет постоянным», – отметили в комитете.

В феврале 2018 года представители Узбекистана предоставили беспрецедентные льготы для строительства и обеспечения работы туалетов по всей стране. Так, например, они могут получить налоговую

туризма предпринимателям и другие меры по улучшению состояния санитарно-гигиенических узлов.

В частности, совместно с местными органами государственной власти в 14 регионах республики была проведена инвентаризация состояния санитарно-гигиенических узлов в объектах посещения туристов, пункт общественного питания и скопления большого количества людей. В общей сложности было обследовано 3660 туалетов. В настоящее время предпринимателям меры по ремонту санузлов, находящихся в неудовлетворительном состоянии.



Кроме того, в августе Госкомтуризма за счет средств Фонда поддержки туристской сферы в Самаркандской, Ташкентской, Кашкардарьинской и Джизакской областях построил 9 современных туалетов. Они

выступают в качестве примера эффективных решений для предпринимателей, которые планируют принять участие в решении этой актуальной проблемы.

Наш корр.

Бир шикоят изидан...

Инсон тоза ҳаводан нафас олиш, тинч-хотиржам яшашга ҳақли эканини исботлашга асло ҳолат йўқ. Лекин бир гуруҳ аҳолининг оддий тоза ҳаводан нафас олиш истигади бормаган идораси, қоқмаган эшиги қолмади.

Одамлар нега тоза ҳавога зор бўлмоқда?

Уларнинг муаммосини ҳал этишга бел боғлаган депутатнинг ҳам ҳафсаласи пир бўлди.

Шайхонтоҳур тумани Маннон Уйғур маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаролардан келган шикоят хатини ўрганиш асосида бунга амин бўлди.

Шикоят мазмунига эътибор қаратилган бўлса, мазкур маҳаллада фаолият юритаётган кушхона хонадонларга тўташ бўлиб, бу ердан чиқаётган ҳид, шовқиндан одамлар анчадан бери қийналиб келаётган экан.

Бу муаммони ҳал қилиш учун Тошкент шаҳар халқ депутатлари Шайхонтоҳур тумани кенгаши депутати Бахтиёр Шамсиддинов кўп ҳаракат қилган.

– Аҳоли кушхонадан азият чекаётганини мурожаат қилиб олдимга келганда нақ ёзнинг чилласи эди, – дейди Б. Шамсиддинов. – Кушхонага яқин жойлашган хонадонларга бордим. Бадбўй ҳиддан даммоғим ачишиди. Энг ёмон, бу хид ўйдаги мавжуд ҳамма нарсага, пардадан тортиб, гиламларгача, кийим-кечакларгача ўтириб қолганига гувоҳ бўлдим.

Кушхона бўлгандан кейин нафақат мол-ҳолнинг, қоннинг ҳиди, балки шовқини ҳам келиб туриши турган гап. Яна мол-қўйлар кўпинча тунда олиб келиниб, сўйилар экан. Бунинг атрофида ғала-ғовур бўлмаслиги асло мумкин эмас. Аҳоли шунинг дастидан тунда тинч ухломмайди бўлган.

Депутат одамларнинг ҳолига ачинаиб, бу масалани Сенатга олиб чиқди. Кушхона фаолиятини ўрганиш учун Республика даражасидаги комиссия тuzилди. Комиссия аҳолини ўрганиб кушхона аҳоли яшаш ҳудудда бўлмаслиги керак, деган хулосага келди.

– Афсуски, аҳоли манфаати таъминлаши керак, деган гаплар ҳавода қолди, – дейди Б. Шамсиддинов. – Кўпинча аҳоли манфаати ҳамма нарсдан устун, деган чиройли сўзлар баланд пардаларда жаранглайди. Амалда эса доим ҳам таъминланмаётми. Балки бу ерда таниш-билишчилик роль ўйнаётгандир ёки кимларнингдир манфаати таъминланаётгандир? Агар шундай бўлса, Президентимизнинг халқимиз ҳамма нарсдан устун қўядиган адолатни қарор топтиради, деган гапларига қарши кимсалар ҳам бор. Шундай кимсалар дастидан айрим одамлар оддий тоза ҳаводан нафас олишдан маҳрумлиги ҳеч бир меъёрга тўғри келмайди.

Ҳақиқатан Маннон Уйғур маҳалласи Улуғбек кўчаси 145 «б»-уйда жойлашган кушхонага кирарканмиз, ёпиқ ва очик қўй кўралари борлиги, уларда ўнлаб қўйлар сақланаётганига гувоҳ бўлди. Қўрага тўташ очик эшикдан қўй сўяётган қассобларга кўзимиз тушди. Бир қарашда батартиб кушхона, аммо мол-ҳол бўлгандан кейин ҳиди ҳам шунга яраша.

Кушхонага яқин 141-уйда бўлганимизда кушхонадан чиқаётган ҳид бу хонадонга бемалол етиб келишга ишонч ҳосил қилдик.

Мазкур хонадонда истиқомат қилувчи 90 ёшдан ошган Аҳмарой ая Миёнова билан суҳбатда бўлди.

– Анчадан бери тоза ҳаводан нафас олишга зор бўлиб яшаб келяпман, – дейди онахон. – Кушхонадан кечаси-ю кундузи бадбўй ҳид келиб туради. Уйдагилар иш, ўқиш баҳонасида кўчага чиқиб кетишади. Мен эса бир жойга боришга ярамагандан кейин шу бадбўйдан узлуксиз нафас олишга маҳрумман. Мени кўргани қўшниллар, танишлар тез-тез келиб туради. Лекин «уйингизда сассиқ ҳид бор», деб дарвор кетишга чоғланишади. Дардимизни эшитганларнинг ҳаммаси тўғри айтасиз, дейишади-ю, лекин ҳақиқат ҳеч қарор топмади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Санитария қондалари ва меъёрлари» талабларида ҳам кушхоналар аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуддан 500 метр узоқликда жойлашган бўлиши шартлиги аниқ кўрсатиб ўтилган.

Шу асосга кўра, маҳалла аҳолиси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказига бир неча марта му-

урожаат қилган. Мурожаат юзасидан ўрганиш натижасига кўра кушхонада аниқланган камчиликлар учун мутасадди шахслар жаримага тортилган, кушхона ёпиқ ҳам қўйилган. Лекин сал вақт ўтмай яна ўз ишини давом эттираверган.

Икки йилдан ортиқ вақт давомида бир гуруҳ маҳалла аҳолининг ўнлаб шикоятлари катта-ю кичик идораларда қўриб чиқилди. Жавоб хатларида аҳолига ён босишган-у, лекин дардига дармон бўлгучи топилмаган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июнь кун «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш, аҳоли яшаш жойларини обод масканга айлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Тошкент шаҳридаги маҳаллаларни ўрганиш борасида бошланган ишлар хусусида тўхталар экан, пойтахтимиздаги аҳоли вилоятлардаги энг чекка қишлоқлардан ҳам ачинарли эканини афсус билан қайд этган эди.

Бу афсус замирида пойтахтдаги шаҳри азиямда тоза ҳаводан нафас олишга зор одамлар борлигига ачинаиб бўлса ажаб эмас. Чунки ушбу видеоселектор мажлиси баёнида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат ветеринария қўмитаси ва Давлат санитария-эпидемиология назорати марказига уч кун мuddатда барча чорва ҳайвонларини сўйиш корхоналари фаолиятини тўхтатиш ҳамда келгусида шаҳар ичкарисида бу каби корхоналарни ташкил этишга йўл қўймаслик қайд этилган.

Шунга асосан Тошкент шаҳар ветеринария бошқармаси 2018 йил 28 июнда Шайхонтоҳур тумани Улуғбек кўчаси 145 «б»-уйда жойлашган «Бизнес-феникс» масъулияти чекланган жамиятига қарашли кушхона фаолиятини 2017 йил 15 декабрда берилган ветеринария-санитария хулосасини бекор қилган.

Бундан кўриниб турибдики, кушхона шу кундан фаолиятини тўхтатиши даркор эди. Чунки юқорида тилга олинган видеоселектор йиғилишидан сўнг Тошкент шаҳрида жойлашган кўплаб кушхоналар ёпиқ, шаҳар ташқарисига қўчирилган. Лекин биз тилга олаётган манзилдаги кушхона ҳамон фаолият юритмоқда.

Аҳолининг бизга маълум қилишича, кушхона манзилида «Искандар Насрулло Хуррамбек» фермер хўжалиги, «Mifayzi Lux» масъулияти чекланган жамияти, «Бизнес-феникс» масъулияти чекланган жамияти фаолият юритган. Бу номлар шикоятлар марказида бўлган, суд қарорларида акс этган, ўзгариб борган. Бироқ, моҳият ўзгармаган. Кушхона кушхоналигига қолаверган.

– Баъзан кушхонага кўп мижозлар келиш оқибатида йўл четлари автомобилларга тўлиб кетади, – дейди мазкур маҳаллада яшовчи Наргиза Раҳимова. – Дарвозадан бемалол кириб-чиқиб ҳам бўлмай қолади. Қон ҳиди аниқ турган, ит-мушуклар, қаламушлар ҳам бу ердан ҳеч аримайди. Шунинг ўзи аҳоли яшайдиган ҳудуднинг антисанитар аҳволда эканини аниқлайди.

Бир сўз билан айтганда, ободлиги билан доғ таратган Тошкентдаги шаҳарда юқоридаги каби ҳолатнинг борлиги жуда ачинарли. Тўғри, аҳолига гўш керак. Уни тайёр ҳолда бозорларга етказиб бераётган тадбиркорлар керак. Бироқ, ҳар бир иш ўз ўрнида амалга оширилгани маъқул эмасми? Кушхона эгарлари ҳам аҳолини йиллаб норози қилмай, ўз жойини ўзгартирса, талаб қилинаётганидек, кушхонани шаҳар чеккасига қўчириш олам гулистон бўлмайми?

Мутасаддилар эса муаммонинг ечими ҳақида бош қотирмасдан, уни хаспўшлаб бораётганига ажабланили. Хаспўшланган жойнинг таъаббат муаммо эса тобора газак олиб кетаётгани уларни хавотирга солмасмикин?

Норгул АБДУРАИМОВА, ўза мухбири.



Таъхир ҳайъати: Ботир Закиров (Таъхир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Қозим Тўлаганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Мағрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қўдратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таъхирият: Бош муҳаррир Бош муҳаррир ўринбосари Саҳифаловчи Мусаххих Дилшод Жалолов Абдумуталлиб Уктамов Акмал Махкамов Дилфуза Хабибова

Таъхирият ҳамкорлари: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК, «ЎзҲақорасозликЛИТИ» ДУК, «ЎзҒаеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари

Таъхирият манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Телефонлар: (қўнрақ) 244-21-71, (котибият) 244-05-15 (факс), 244-15-13, (бухгалтерия) 244-22-10, (реклама ва оубна бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс). E-mail: uzbyunodkor@mail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари: Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: (90) 278-95-87. Қашқадарё вилояти бўйича: (90) 720-33-03. Қораканлистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: (93) 466-74-84. Самарқанд вилояти бўйича: (95) 560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бюджет – 907. 2267 нусxada басилди. Қоғоз бичими А-2 Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида басилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таъхириятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета таъхирият компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41. Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов Навбатчи – Ш. Ҳўжаев ўза якуни – 23.50. Топширилди – 00.30.